

Тупроқни таҳлилга тайёрлаш

РЕЖА:


Даладан келтирилган тупроқни ўртача намуна олиш учун тайёрлаш.

Тупроқни минерал ва умумий таҳлиллар учун тайёрлаш.

Тупроқни чиринди ва азот таҳлиliga тайёрлаш.

Тупроқни таҳлилга тайёрлаш учун зарур асбоб ва анжомлар.

1. Тупроқнинг таркибий қисмини аниқлаш ва айрим хоссаларини ўрганишдан олдин у таҳлилга тайёрланади. Таҳлил турига кўра тупроқлар турлича усулларда таҳлилга тайёрланади. Жараёни умумий тарзда қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:




- **Айрим таҳлиллар** (масалан нитрат ва аммиак шаклидаги азот) намуна даладан келтирилиши биланок ўтказилиши зарур. Бунинг учун тупроқ тоза қоғоз устига ёйилиб, ундаги илдиз ва бошқа қўшилмалар пинцет билан териб ташланади. Шундан сўнг уни аралаштириб, ўртача намуна олинади. Олинган намунадан намлик ва тегишли модда таҳлили ўтказилади.
- **Тупроқнинг агрегат таҳлили** учун эса ҳаво ҳолатигача қуритилиб, илдиз ва тош каби ҳар хил қўшилмалардан тозаланган, лекин туйиб майдаланмаган тупроқдан фойдаланилади.
- **Қолган барча таҳлиллар** учун даладан келтирилган тупроқдан 500-1000 гр тортиб олинади. Тортиб олинган тупроқнинг йирик кесакчалари қўл билан майдаланиб, қуёш нури тушмайдиган, аммиак, кислота буғлари каби газлар бўлмаган жойда тоза қоғоз устига ёйилиб, қуритилади. Ундаги илдизчалар ва ҳар-хил қўшилмалар териб ташланади. Тупроқ яхши қуритилгандан сўнг чинни ҳавончада резина қалпоқчали чинни дастача ёрдамида эҳтиёткорлик билан туйилиб, майдаланади. Бунда тупроқдаги механик заррачалар парчаланиб кетмаслиги керак.





- **Ўртача намуна олиш учун** шу ҳолатгача келтирилган тупроқ тоза қоғоз устига ёйилиб, линейка ёки шпател ёрдамида диагонал бўйича тўрт қисмга ажратилади. Ажратилган қисмларидан биринчи ва учинчи қисми таҳлил учун олинади. Иккинчи ва тўртинчи қисми эса сақлаб қўйилади.
- Таҳлил учун ажратиб олинган тупроқ яна тоза тупроқ устига 0,5 см қалинликда ёйилади. Сўнгра линейка ёки шпател ёрдамида 4 x 4 ёки 3 x 4 см ўлчамда тўғри тўртбурчак шаклидаги бўлақларга ажратилади. Бу ажратилган бўлақлардан турли таҳлиллар учун ўртача намуна олинади.
- **2. Тупроқни минерал ва умумий таҳлиллар учун тайёрлаш.** Ажратилган бўлақлардан озгинадан жами 300 грамм атрофида ёғоч қошиқ ёрдамида ажратиб олинади. Сўнгра уни чинни дастача ёрдамида чинни ҳавончада майдалаб туйиб, тешиқларининг диаметри 1мм бўлган элаклардан ўтказилади. Бунда ажратиб олинган тупроқнинг барчаси тўла майдаланиб, элаклардан ўтказилиши лозим. Элаб олинган тупроқ яна аввалгидек тартибда катакчаларга ажратилади ва ёғоч қошиқ ёки шпател ёрдамида ҳар бир катакдан озгинадан жами 5гр ажратиб олинади. Қолган тупроқ эса оғзи яхши ёпиладиган шиша банкага солиниб, тегишли ёрлиқлар ёпиштирилиб, сақлаб қўйилади. Бу намунадан тупроқнинг озиқа элементлари билан таъминланганлик даражаси, алмашинувчи катионлар, тупроқ муҳити, сувли сўрим каби таҳлилларда фойдаланилади.
- **Ажратиб олинган 5 г тупроқ** ақиқ, яшма ёки қалин кварцдан қилинган ҳавончада заррачаларнинг диаметри 0,2 мм бўлган пудра даражасигача майдаланилади ва махсус пакетчага солиниб, ундан тупроқ минерал қисмини аниқлаш учун фойдаланади.

Тупроқни таҳлилга тайёрлаш



3. Чиринди ва азот таҳлили учун ўртача намуна тайёрлаш. Қуритилиб, ўртача намуна олиш учун тайёрланган ва тўғри тўртбурчак шаклида ажратилган тупроқдан ёғоч қошиқча ёки шпател ёрдамида озгинадан жами 5-10 г атрофида ўртача намуна ажратиб олинади. Сўнгра лупа ёрдамида тупроқдаги илдиз қолдиқлари пинцет билан териб ташланади. Бу иш диққат билан олиб борилиши ва имкон қадар барча илдиз териб ташланиши лозим. Илдиз қолдиқларидан тозаланган тупроқ чинни хавончага солиниб, резина қалпоқчали чинни дастача билан туйилиб, диаметри 0,25 ммли элакдан ўтказилади. Бунда мумкин қадар барча тупроқни туйиб, элакдан ўтказиб юбориш керак. Элаб олинган тупроқ оғзи берк шишаларда ёки махсус пакетларда сақланиши лозим.

4. Тупроқни таҳлилга тайёрлаш учун зарурий асбоб ва анжомлар:

Тешикларни ҳажми турлича бўлган элаклар, шпател, линейка, лупа, пинцет, чинни дастача, чинни хавонча, махсус пакетчалар, ёрликлар.

Адабиётлар:

1. Аринушкина Е.В.Руководства по химическому анализу почв.М. 1970.
2. Александрова Л.Н. Найденова О.А. Лабораторно – практические занятие по почвоведению.Л 1967.
3. Мираҳмедов Х. Мирюнусов М. Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.Т 1987.